

## МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ: РИВОЖЛАНИШГА ЖИДДИЙ ПУТУР ЕТКАЗАДИ

Манфаатлар тўқнашуви дунё микёсида ҳал этилиши лозим бўлган энг катта муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, инсон ҳуқуқи, эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис унга қарши кураш бутун жаҳонда халқаро аҳамият касб этиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалалари қаторидан жой олган.

2024 йил 5 июнда “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди ва манфаатлар тўқнашувига қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми яратилди. Ушбу қонуннинг асосий мақсади манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Манфаатлар тўқнашуви – шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият.

Бу қонун манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва шу орқали умуман коррупцияга қарши кураш жараёнини фаоллаштиришга ҳам ижобий таъсир этади. Зеро, айнан манфаатлар тўқнашуви коррупциявий ҳолатларнинг бошланғич нуқтасидир. Яъни манфаатлар тўқнашуви жиноятларнинг асоси ҳисобланади.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда давлат назоратининг амалга оширилишига, давлат хизматчиларининг бевосита раҳбарлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келганда тегишли чоралар кўрилишига, давлат хизматчилари томонидан содир этилиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишига эришилади.

Қонунда давлат ташкилоти ходимларига нисбатан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар, манфаатлар тўқнашувига оид талабларни бузганликнинг ҳуқуқий оқибатлари, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ҳолда қабул қилинган ва тузилган битимларни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топиш асослари, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланди.

Фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ва давлатнинг қонуний манфаатлари устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, холислик ва коррупцияга нисбатан муросасизлик манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Биз – комбинат раҳбар ва ходимлари ҳам ушбу принципларга қатъий риоя қилиб ўз вазифаларимизни бажаришимиз шарт.

Ходимларимиз ўз лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини виждонан бажариши ва уларнинг бажарилишига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўз шахсий манфаатлари билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийишлари керак. Хизмат вазифаларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслик, мавжуд манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ўз иш юритувидаги ҳужжатлар бўйича қарор қабул қилинунига қадар ўзининг бевосита раҳбарини ёки махсус бўлинмани хабардор қилиши зарур. Ўзининг бевосита бўйсунувидаги ходимларни ёки бошқа ходимларни бевосита ёки билвосита ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) мажбурлаши мумкин эмас.

Қонун бўйича барча раҳбар ва ходимлар ўзига маълум бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисида хабар бериши керак. Бундай ҳолатларни билган ҳолда унга эътиборсизлик қилиш, мутасаддиларга хабар бермаслик жавобгарликка олиб келади.

Комбинатимиз манфаатларига хизмат қилиш барча раҳбар ва ходимларнинг асосий вазифасидир. “Ўзметкомбинат” АЖ барча мансабдор шахслардан ўз вазифаларини адолатли ва холис бажаришини кутади.

Акмал ШАРИПОВ, “Ўзметкомбинат” АЖ  
бошқаруви раисининг умумий масалалар бўйича  
ўринбосари